

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

3 ИЮЛЬ 2018 Й.Г.

№ 498

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари  
фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 июндаги ПҚ-3785-сон қарорига мувофиқ фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагилар:

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари ходимларининг мартаба даражалари тўғрисида низом 2-иловага мувофиқ;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича разрядлари ва тариф коэффициентлари 3-иловага мувофиқ;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларининг мартаба даражаларига эга бўлган ходимларига узоқ муддат хизмат қилганлиги учун бериладиган ҳар ойлик устама ҳақ миқдорлари 4-иловага мувофиқ;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари ходимларининг лавозим маошларига мартаба даражалари учун қўшиладиган кўшимча ҳақ миқдорлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида” 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига 246-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукукий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирунлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.К. Нарбаева ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 3 июлдаги  
498-сон қарорига  
1-илова

## **Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари (кейинги ўринларда ФХДЁ органлари деб аталади) фаолиятининг асосий вазифалари, функциялари, хукуқ ва мажбуриятлари, фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. Куйидагилар ФХДЁ органлари ҳисобланади:

туман ва шаҳар ФХДЁ бўлимлари, шунингдек Никоҳ уйлари (кейинги ўринларда ФХДЁ бўлимлари деб аталади);

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар худудий бошқармалари (кейинги ўринларда Агентликнинг худудий бошқармалари деб аталади) ФХДЁ архивлари.

3. ФХДЁ бўлимлари туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари тизимига киради ва уларнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган таркибий тузилмаси ҳисобланади.

ФХДЁ архивлари Агентликнинг худудий бошқармалари тизимиغا киради ва уларнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган таркибий тузилмаси ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 июндаги ПҚ-3785-сон қарорига мувофиқ:

туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ФХДЁ бўлимлари фаолияти, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, улар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш юзасидан умумий раҳбарликни амалга оширади;

туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг ўринбосарлари – туман (شاҳар) хотин-қизлар қўмиталари раислари оилани мустаҳкамлаш, ажримларнинг олдини олиш, туғилиш ва никоҳни ўз вақтида қайд этиш, тарғибот ва маърифат чора-тадбирларини кўришга шахсан масъул ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг директори ФХДЁ бўлимларида хукуқни қўллаш амалиётини самарали мувофиқлаштириш, фаолиятини методик таъминлаш, “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимини техник таъминлаш ва юритиш, шунингдек, ФХДЁ архивларига раҳбарлик қилиш учун масъул ҳисобланади.

5. ФХДЁ органлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

6. ФҲДЁ органлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган мухрга эга бўлади.

7. ФҲДЁ органларининг фаолияти қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган хуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаролик ҳолати далолатномалари қайд этилишини ва уларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларни сир тутиш тамойилларига асосланади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш муносабати билан ходимга маълум бўлиб қолган ҳолатлар хизмат сири ҳисобланиб, улар, шу жумладан меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин ҳам ошкор этилиши ёки эълон қилиниши мумкин эмас.

## **2-боб. ФҲДЁ органларининг асосий вазифалари ва функциялари**

8. ФҲДЁ органларининг вазифаси жисмоний ва юридик шахсларга фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд этиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишдир.

ФҲДЁ архивларининг вазифаси жисмоний ва юридик шахсларга кўчирма, нусха ва бошқа маълумотномалар бериш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишдир.

9. ФҲДЁ органлари ўзларига юклangan вазифаларга мувофиқ куйидаги функцияларни амалга оширади:

фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларига ўзгартиш, тузатиш ва қўшимчалар киритади;

фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг ҳисобини юритади;

фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини ва қонунда белгилangan бошқа хужжатлар сақланишини таъминлайди;

фуқароларга (ўзларига нисбатан тузилган далолатнома ёзувлари бўйича) фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари қайд қилингандиги ҳақида гувоҳномалар, зарур ҳолларда такрорий гувоҳномалар ва маълумотномалар беради;

Агентлик, суд, хукукни муҳофаза қилувчи органлар, иш юритуvida мавжуд бўлган ишлар муносабати билан нотариуслар, шунингдек ФҲДЁ органлари ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасаларининг ёзма сўровномаларига биноан далолатнома ёзувларидан нусхалар ёки улардан кўчирмалар ва маълумотномалар беради;

зарур ҳолларда мудофаа ишлари бўлимлари, соғлиқни саклаш органлари, бандликка кўмаклашиш марказлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимлари ва бошқа ваколатли идораларнинг сўровларига асосан йиғищ, умумлаштириш ёки таққослаш мақсадларида далолатнома ёзувларидан алоҳида маълумотлар беради;

қатъий ҳисобда турувчи гербли гувоҳнома бланкаларини ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ҳисобини юритади ва бу ҳақда белгилangan муддатларда ҳисботлар топширади;

белгилangan шакллар бўйича статистик ҳисботлар юритади;

фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг электрон маълумотлар базасини юритади;

мурожаатларни белгилangan муддатларда ва тартибда кўриб чиқади;

оила тўғрисидаги қонун хужжатлари, шунингдек, фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд қилиш масалалари юзасидан ҳукукий тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боради.

10. ФХДЁ бўлимлари мазкур Низомнинг 9-бандида назарда тутилган функциялардан ташқари:

фуқаролик ҳолати далолатномалари (туғилганлик, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш ва ўлим)ни қайд этади, шунингдек, оталикни белгилаш, фарзандликка олиш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳаракатларини амалга оширади;

фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини тиклайди ва бекор қиласди;

шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йифини раислари (оқсоқоллари)нинг ўлимни қайд этишдаги ишларини мувофиқлаштиради ва уларга амалий ёрдам кўрсатади, гербли гувоҳномаларнинг талаб даражасида сақланиши ва сарфланиши чораларини кўради;

никоҳни, шу жумладан никоҳ уйларида ва тугилганликни тантанали равища қайд этади (фуқароларнинг хоҳишига кўра);

тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига никоҳ муносабатлари бўйича далолатномаларни қайд этиш, оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий ажрашишларнинг олдини олиш бўйича маълумотлар тақдим этади.

11. ФХДЁ архивлари мазкур Низомнинг 9-бандида назарда тутилган функциялардан ташқари ФХДЁ бўлимларининг хабарномаларига асосан далолатнома ёзувларининг иккинчи нусхаларига тегишли ўзгартириш ва белгилар киритади ҳамда уларни бекор қиласди.

Далолатнома ёзувининг биринчи нусхаси мавжуд бўлмаган тақдирда, унинг иккинчи нусхасига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритади.

Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаларида қайд этилган фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг биринчи нусхаси сақланаётган Тошкент шаҳар худудий бошқармасининг ФХДЁ архиви далолатнома ёзувларга ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритади.

12. ФХДЁ органлари ўзларига юкланган вазифалар ва функцияларни манбаатдор ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилган ҳолда амалга оширади.

### **3-боб. ФХДЁ органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

13. ФХДЁ органлари қуидаги ҳуқуқларга эга:

қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда жисмоний ва юридик шахслардан фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этиш учун зарур бўлган маълумотлар ва хужжатларни талаб қилиб олиш;

ФХДЁ соҳасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва туман (шаҳар) ҳокимлиги, Агентлик ва унинг худудий бошқармаларига киритиши;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Агентлик томонидан тасдиқланадиган жисмоний шахсларга кўрсатиладиган пулли хизматлар рўйхатларига мувофиқ фуқароларга пулли хизматлар кўрсатиши.

ФХДЁ органлари қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

#### 14. ФҲДЁ органлари:

фуқароларга ўз хуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини химоя қилишда кўмаклашиши, уларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб бериши;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш вақтида фуқаролар томонидан қонунчилик бузилганлиги аниқланган тақдирда, зарур чора-тадбирлар кўрилиши учун тегишли ташкилотларга бу ҳақда хабар қилиши;

қонун хужжатларига зид бўлган фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этишни рад қилиши;

архив фондини юритиши ва сақлаши;

туман (шаҳар) ҳокимлиги, Агентлик ва унинг худудий бошқармаларининг топшириқларини бажариши ва уларга ФҲДЁ органлари фаолиятига оид масалалар юзасидан маълумотлар тақдим қилиши;

ФҲДЁ органларининг фаолияти юзасидан белгиланган тартибда туман (шаҳар) ҳокимлиги, Агентлик ва унинг худудий бошқармаларига ҳисобот бериши шарт.

ФҲДЁ органларига қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

#### 4-боб. ФҲДЁ органлари фаолиятини ташкил этиш

15. ФҲДЁ органи раҳбари (туман ва шаҳар ФҲДЁ бўлими мудири, ФҲДЁ архиви мудири) лавозимига куйидаги талабларга жавоб берган Ўзбекистон Республикаси фуқароси тайинланиши мумкин, мазкур Низомнинг 18-бандида назарда тутилган ҳолат бундан мустасно:

йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган;

олий юридик маълумотга эга бўлган;

юридик мутахассислик бўйича камида уч йиллик, шу жумладан ФҲДЁ органида камида икки йиллик иш стажига эга бўлган.

ФҲДЁ органи раҳбарлигига номзод бўлган шахс, қоида тариқасида, ФҲДЁ органи раҳбарлигига захирада турган бўлиши лозим.

16. ФҲДЁ бўлими раҳбари туман (шаҳар) ҳокими томонидан Агентликнинг худудий бошқармалари раҳбарлари билан келишилган ҳолда тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

ФҲДЁ архиви раҳбари Агентликнинг худудий бошқармалари раҳбарлари томонидан Агентлик билан келишилган ҳолда тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

17. Мазкур Низомнинг 15-банди тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган талаблар ФҲДЁ органлари фаолиятига раҳбарлик қилиш билан боғлиқ лавозимларда ишлаган ёки ишлаб келаётган ходимларга нисбатан татбиқ этилмайди.

18. ФҲДЁ органи раҳбари лавозимига қўйиладиган талабларга жавоб берадиган номзод топилмаган тақдирда, ушбу лавозимга мазкур Низомнинг 16-бандига мувофиқ юридик мутахассислик бўйича камида ўрта маҳсус маълумотга ва ФҲДЁ органида камида икки йиллик иш стажига эга бўлган шахс тайинланиши мумкин.

**19. ФХДЁ органи раҳбари:**

ФХДЁ органи фаолиятини ташкил этади, режалаштиради, туман (шаҳар) ҳокимлигининг ва Агентликнинг топшириқлари белгиланган муддатларда ва сифатли ижро этилишини таъминлайди;

қатъий ҳисобда турувчи гербли гувохномалар бланкаларининг белгиланган тартибда ҳисобга олиниши, сақланиши ва сарфланишини таъминлайди;

гербли муҳр ва штампларнинг бут сақланишини таъминлайди;

жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари кабулини ташкил қиласди;

хизматсири ҳисобланган маълумотларни ФХДЁ органлари ходимлари томонидан ошкор этилмаслиги чораларини кўради;

ФХДЁ органлари ходимлари томонидан меҳнат ва ижро интизомига ҳамда ички тартиб-коидаларга риоя этилишини назорат қиласди;

ФХДЁ органи ходимларини рағбатлантириш ёки уларга нисбатан интизомий чоралар кўриш ҳақида туман (шаҳар) ҳокимлигига ва Агентликнинг худудий бошқармасига таклифлар киритади;

бўш (вакант) ўринларни тўлдириш бўйича туман (шаҳар) ҳокимлигига ва Агентликнинг худудий бошқармасига таклифлар киритади.

**20. ФХДЁ бўлими мудири мазкур Низомнинг 19-бандида назарда тутилганлардан ташқари:**

қонунда белгиланган тартибда туман (шаҳар) ҳокимлиги ва Агентлик худудий бошқармаси топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

никоҳни қайд этишда узрли сабаблар бўлганда аризачиларнинг илтимосларига кўра қонунда белгиланган бир ойлик муддатни қисқартиради ёки узайтиради;

фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этиш дафтарларининг ва бошқа хужжатларнинг юритилиши ва рўйхатга олинишини назорат қиласди;

никоҳни ва туғилганликни тантанали равишда қайд этиш учун шарт-шароитлар яратиш чораларини кўради;

фуқаролик ҳолати далолатномаларининг ўз вақтида тўғри ва тўлиқ тўлдирилишини таъминлайди;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини “Ягона электрон ФХДЁ архиви”га ўз вақтида тўғри ва тўлиқ киритилишини таъминлайди.

**21. ФХДЁ органи раҳбари ФХДЁ органига юкланган вазифа, функциялар ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.**

**22. ФХДЁ бўлими мудири вақтинча бўлмаган ҳолларда (меҳнат таътили, хизмат сафари, бетоблиги) унинг вазифаларини бажариш туман (шаҳар) ҳокимининг буйруғи билан 1-тоифали инспекторлар ёки бошқа ходимлар зиммасига юкланади.**

ФХДЁ архиви мудири вақтинча бўлмаган ҳолларда (меҳнат таътили, хизмат сафари, бетоблиги) унинг вазифаларини бажариш Агентликнинг худудий бошқармаси раҳбарининг буйруғи билан архивариус ёки бошқа ходим зиммасига юкланади.

23. ФХДЁ органининг 1-тоифали инспектори лавозимига олий юридик маълумотга ва 2-тоифали инспектори ёки архивариуси лавозимига юридик мутахассислик бўйича, қоида тариқасида, ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тайинланади.

24. ФХДЁ органининг 1-тоифали инспектори лавозимига олий юридик маълумотли номзод топилмаган тақдирда, ушбу лавозимга мазкур Низомда белгиланган тартибда юридик мутахассислик бўйича ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган шахс тайинланиши мумкин.

25. 1 ва 2-тоифали инспектор ва иш юритувчилар туман (шаҳар) ҳокими томонидан Агентликнинг ҳудудий бошқармалари билан келишилган ҳолда лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

ФХДЁ архиви архивариуси Агентликнинг ҳудудий бошқармаси бошлиғи томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

26. 1-тоифали инспектор вақтинча бўлмаган ҳолларда (мехнат таътили, хизмат сафари, бетоблиги) унинг вазифаларини 2-тоифали инспектор бажаради.

27. ФХДЁ бўлимида 3 нафар ва ундан ортиқ инспектор мавжуд бўлганда иш юритувчи лавозими жорий этилади.

28. ФХДЁ органлари ходимлари ўзи, эри ёки хотини, ўзининг ва унинг қариндошлари (ота-оналари, болалари, неваралари, боболари, бувилари, туғишган ака-укалари ва опа-сингиллари) тўғрисида фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этишга ёки уларга тегишли ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритишга ҳақли эмас. Бунда фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари туман (шаҳар) ҳокимлиги ва Агентлик ҳудудий бошқармасининг ёзма кўрсатмасига асосан бошқа ходим томонидан ёки бошқа ФХДЁ органида қайд этилади ва бу ҳақда фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувининг белгилар устунига тегишли изоҳ киритилади.

29. ФХДЁ органи раҳбарлари ва инспекторлари илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас.

30. ФХДЁ органи раҳбарлари захирасини шакллантириш ва уларнинг малакасини ошириб бориш туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

31. ФХДЁ органи ходимларининг вазифалари, ҳукуқ ва мажбуриятлари тегишли лавозим йўриқномаларида белгиланади.

ФХДЁ органи ходимларининг лавозим йўриқномаси туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан, ФХДЁ архиви ходимларининг лавозим йўриқномаси Агентликнинг ҳудудий бошқармалари раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

32. ФХДЁ органлари ходимларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда мартаба даражалари берилади.

### **5-боб. ФХДЁ органларининг штатлар жадвали**

33. ФХДЁ органларининг ходимлари сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатиладиган тартибга мувофиқ белгиланади.

34. ФХДЁ органлари штатлар жадвали белгиланган штатлар сони ва иш ҳақи фонди доирасида туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан тасдиқланади.

ФХДЁ архивлари штатлар жадвали белгиланган штатлар сони ва иш ҳақи фонди доирасида Агентликнинг ҳудудий бошқармалари томонидан тасдиқланади.

**6-боб. Якунловчи қоида**

35. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Вазирлар Махкамасининг  
2018 йил 3 июлдаги  
498-сон қарорига  
2-илова

## **ФҲДЁ бўлимлари ходимларининг мартаба даражалари тўғрисида НИЗОМ**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси туман ва шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари шунингдек никоҳ уйлари (бундан бўён матнда ФҲДЁ деб юритилади) ходимларига маҳсус унвонлар – мартаба даражаларни бериш тартибини белгилайди.

2. ФҲДЁ бўлимлари ходимларининг маҳсус унвонлари қуийдаги мартаба даражаларидан иборат бўлади:

3-даражали адлия маслаҳатчиси;

1-даражали юрист;

2-даражали юрист;

3-даражали юрист.

3. ФҲДЁ бўлимлари ходимларига мартаба даражалари ижобий аттестация, малакаси ва иш стажига мувофиқ, эгаллаб турган лавозимини, олдинги иш ёки хизмат жойида берилган маҳсус унвонларни, шунингдек, қонунчиликни мустаҳкамлаш, ахолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш соҳасидаги хизматларини ҳисобга олган ҳолда изчил тартибда берилади.

ФҲДЁ бўлимлари ходимларига мартаба даражаларини бериш тартиби уларнинг эгаллаб турган лавозимини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

4. 3-даражали адлия маслаҳатчиси, шунингдек, 3, 2 ва 1-даражали юрист мартаба даражалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг тавсиясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан берилади.

. ФҲДЁ бўлимлари ходимларига тегишли лавозимларга мувофиқ қуийдаги мартаба даражалари берилади:

3-даражали адлия маслаҳатчиси – ФҲДЁ бўлими мудирларига;

1-даражали юрист – ФҲДЁ бўлими мудирларига;

2- даражали юрист – ФҲДЁ бўлими 1-тоифали инспекторларига.

3-даражали юрист – ФҲДЁ бўлими 2-тоифали инспекторларига

5. Ҳар бир мартаба даражасида бўлиш муддати:

3, 2, 1-даражали юристлар учун - 2,5 йил;

3-даражали адлия маслаҳатчиси мартабасида бўлиш муддати белгиланмайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири:

- а) ишда алоҳида ўрнак кўрсатганлиги ёки хизмат бурчини намунали ижро этганлиги учун олдинги мартаба даражасида хизмат қилишнинг белгиланган муддати тамом бўлгунга қадар мартаба даражаси беришга;
- б) изчилликка риоя қилмаган ҳолда, лекин ходим юқори лавозимга кўтарилаётганда эга бўлган мартабадан икки даража юқори бўлмаган мартаба даражаси беришга;
- в) биринчи марта аттестациядан ўтаётган ходимларга улар эгаллаб турган лавозим бўйича назарда тутилганидан бир даража паст мартаба даражалари беришга хақлидир.

7. Тегишли малака бўйича иш тажрибасига эга бўлмаган шахсларга мартаба даражаси лавозимга тайинлангандан кейин камидаги 6 ой ўтгач берилади.

8. ФХДЁ бўлимлари ходимларига бир мартаба даражасида белгиланган муддатда хизмат қилган, лекин хизмат фаолиятида ёки хулқ-авторида жиддий камчиликларга эга бўлган ходимларига навбатдаги мартаба даражаси берилмайди.

9. ФХДЁ бўлинмалари ходимларига берилган мартаба даражалари уларда умрларининг охиригача сақланади ҳамда фақат иш фаолиятига мувофиқ келмайдиган хатти-харакатлари учун ишдан бўшатилган тақдирда улардан маҳрум қилиниши мумкин.

10. Хизмат бурчини қўпол равишда бузганлиги, бадном қилувчи ножўя хатти-харакат қилганлиги ёки хизмат вазифаларини мунтазам равишда етарлича бажармаганлиги учун ФХДЁ бўлинмалари ходимларнинг мартабаси пасайтирилиши мумкин, лекин улар эга бўлган мартаба даражасидан икки даража паст бўлиши мумкин эмас.

11. Мартаба даражасидан маҳрум қилиш ёки уни пасайтириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан амалга оширилади.

12. ФХДЁ бўлимлари ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 3 июлдаги  
498-сон қарорига  
3-илова

**ФХДЁ бўлимлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш  
бўйича разрядлар ва тариф  
КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ**

Лавозими	Тариф коэффициентлари ва разрядлари			
	Тошкент, Нукус шаҳарларидағи ва вилоят марказларидағи ФХДЁ бўлимлари		шаҳарлар ва туманлардаги ФХДЁ бўлимлари	
	разряд	тариф коэффициентлари	разряд	тариф коэффициентлари
Мудир	9	4,997	8	4,640
1-тоифали инспектор	8	4,640	7	4,284
2-тоифали инспектор	7	4,284	6	3,941

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 3 июлдаги  
498-сон қарорига  
4-илова

**ФХДЁ бўлимларининг мартаба даражаларига эга бўлган ходимларига узок  
муддат хизмат қилганилиги учун бериладиган ҳар ойлик устама ҳақ  
МИҚДОРЛАРИ**

<b>ФХДЁ органларидағи иш стажи</b>	<b>Устама ҳақ миқдори (ойлик иш ҳақига нисбатан фоизларда)</b>
2 йилдан 5 йилгача	5%
5 йилдан 10 йилгача	10%
10 йилдан 15 йилгача	15%
15 йилдан 20 йилгача	20%
20 йилдан 25 йилгача	25%
25 йилдан юқори	30%

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 3 июлдаги  
498-сон қарорига  
5-илова

**Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари  
ходимларининг лавозим маошларига мартаба даражалари  
учун қўшиладиган қўшимча ҳақ  
МИҚДОРЛАРИ**

Мартаба даража номи	Лавозим маошларига қўшиладиган қўшимча ҳақ (фоизлар ҳисобида)
3-даражали юрист	15 %
2-даражали юрист	16 %
1-даражали юрист	16 %
3-даражали адлия маслаҳатчиси	17 %